

“Касбим – фахрим” мавзусида меҳнат жамоаларида кекса авлод вакиллари, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, 14 та ҳудудда маданий тадбирлар ташкил этилган.



Касаба уюшмаси томонидан ҳисобот йилларида иш берувчилар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнат жамоаларида “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”нинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этиш, “Жаҳолатга қарши маърифат” деган ғоя асосида аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик мақсадларига хизмат қилишини тарғиб этишга қаратилган “Маънавият соатлари”, давра суҳбатлари ва махсус маърузаларда 860 минг нафардан ортиқ ходимлар иштирок этдилар.

Маънавият соатлари




Тадбир ўтказилган бошланғич ташкилотлар сони

932 та



Маънавият соатлари, давра суҳбатлари ва махсус маърузаларда

860 000 нафар



2023-2024 йиллар давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Жисмоний тарбия, спорт ва интеллектуал мусобақалар йўналишида тиббёт ходимлари ўртасида “Вазир кубоги” мусобақалари ўтказилиб, уларда 1598 нафар тиббиёт ходимлари иштирок этишган. Ушбу спорт мусобақасида мини-футбол бўйича 33 нафар, стол тенниси аёллар ва эркеклар ўртасида 6 нафар, шахмат ва шашка йўналишлари бўйича 6 нафар, жами 51 нафарига Республика Кенгашидан 1-2-3 чи ўринни эгаллаган жамоаларга қимматбаҳо эсталик совғалари топширилди



2021-2025 йиллар давомида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида 415459 нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари Тармоқ касабга уюшмаси ҳудудий Кенгашлари томонидан “Kasaba Palace” масъулияти чекланган жамияти, “Nodir Samarqand” ва “Sayohat Sari” унитар корхоналари билан ойма-ой саёҳатлар жадвалини тузиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Ургенч ва бошқа тарихий шаҳарларга саёҳатлар ташкил қилинган.



Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик йўналишларида жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида фаол ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш соҳасида белгиланган вазифалар ижросига ҳисобот йилида алоҳида эътибор қаратилди.

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ - ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ГАРОВИ

2020-2025 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЙИЛ НОМЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ МАНЗИЛЛИ-ТАДБИРЛАР РЕЖАЛАРИ ИЖРОСИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан бери ҳар йил ўзига хос ном билан белгиланган бўлиб, бу йиллар мамлакат ривожини ва ижтимоий қадриятларини акс эттирган. Йил номлари мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш йўналишларига эътибор қаратади. Бу йиллар давомида ҳар бир номнинг маънавий ва амалий жиҳатлари турли дастур ва лойиҳалар орқали амалга оширилиб келмоқда. Ўтган ҳисобот даврида 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, 2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”, 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурлари қабул қилинади. Ҳисобот даврида ҳар йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Дастури ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан касаба уюшмасининг манзилли-тадбирлар режаси тўғрисида қарори қабул қилинди ва ижро учун барча даражадаги касаба уюшма ташкилотларига ижро учун етказилиб, бажарилиши мониторинг қилинди. Ҳар чорак якунида Ижроия қўмита йиғилишида таҳлилий маълумотлар асосида муҳокама қилиниб тегишли қарорлар қабул қилинди.

“2020 йил - Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича 5 та бўлим, 7 та банд, 29 та тадбирдан иборат манзилли тадбирлар режаси” ижроси юзасидан:

“Республика ва маҳаллий миқёсда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг касаба уюшмалари фаоллари билан меҳнат соҳасидаги долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик эшитувларини ўтказиш” тадбири бўйича Республика Кенгаши раиси раҳбарлигида Андижон, Бухоро, Тошкент вилоятлари фаоллари билан жамоатчилик эшитувлари ўтказилди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан халқаро экспертлар иштирокида ташкил этилган “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”га бағишлаб ўтказилган видеоконференцияда тармоқда ўз ечимини қутаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билан Республика Кенгаши раиси иштирок этди. Жойларда онлайн шаклида ўтказилган “Меҳнат муҳофазаси ҳафталиги” тадбирларида Республика Кенгашининг ҳудудлар бўйича масъул ташкилотчилари раҳбарлигида бошланғич ташкилотлар раислари фаол иштирок этди бўлган ечимини қутаётган масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Аҳолига ижтимоий-меҳнат соҳасида бепул ҳуқуқий маслаҳат хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаш ва амалга оширишда амалий, бепул юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада кучайтириш, барча шаҳар ва туманлардаги касаба уюшмаларининг сайёр қабуллари (жамоатчилик қабулхоналари) ишини фаоллаштириш мақсадида Республика Кенгаши раиси раҳбарлигида Халқ депутатлари вилоят кенгаши вакиллари иштирокида Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Тошкент вилояти Санитария-эпидемиология хизмати ходимлари билан бевосита учрашувлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ҳар йили нишонланадиган “Тиббиёт ходимлари куни” байрам арафасида тизимда хизмат қилаётган 785 нафар тиббиёт ходимлар Республика Кенгашининг Фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги “Кохинур” санаториясида 118 нафар, “Умид Гулшани” санаториясида 19 нафар тиббиёт ходимлари касб байрами муносабати билан бепул соғломлаштирилдилар. Карантин даврида фаолият юритган тиббиёт ходимларига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлар ташаббуси билан Covid-2019 коронавируси инфекциясига чалинган беморларни даволаш учун жалб этилган ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган акциялар ташкил этилди. Жумладан, Республика Кенгаши ҳисобидан, Андижон, Бухоро, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятлари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари маблағлари ҳисобидан ўз аъзоларига махсус кийим бош ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари харид қилдилар ва моддий ёрдамлар кўрсатилди.

2020 йил - “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да тармоқ бўйича амалга оширилган ишлар Республика оммавий ахборот воситаларида 7 маротаба, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 58 маротаба, тармоқ сайтида ва ижтимоий тармоқларда 106 маротаба ёритилди

2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича манзилли тадбирлар режаси ижроси учун иш берувчи маблағлари ҳисобидан - 1 млрд. 548 млн. сўм, касаба уюшма маблағларидан - 5 млрд. 557 млн. 980 минг сўм, Республика Кенгаши маблағларидан - 432 млн. 876 минг сўм, жами -7 млрд. 538 млн. 856 минг сўм маблағлар сарфланди.

“2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича 5 та бўлим, 9 та банд, 39 та тадбирдан иборат манзилли тадбирлар режаси” ижроси юзасидан:

Давлат дастури доирасида долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг вазирлик, идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларида иштирок этиб боришни амалга ошириш юзасидан Давлат раҳбарининг топшириқларига асосан Тошкент шаҳри туманларидаги маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий ва маиший масалаларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш, аҳоли ўртасида “Обод кўча” ва “Обод хонадон” мезонларини кенг тарғиб этиш мақсадида Республика Кенгаши раҳбарлигида, таркибига 20 та мутасадди вазирликлардан жалб этилган масъул ходимлар киритилган ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 11 маҳаллаларда долзарб 1100 дан ортиқ ижтимоий масалалар (фуқоролик масаласи, паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, бандлик, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим, коммунал хизмат кўрсатиш, архитектура ва қурилиш, ер, мулк, қурилиш, электр-энергия таъминоти, газ, ичимлик суви, маданият ва спорт, банк-молия) аниқланиб, уларнинг 93,5%дан ортиғини бириктирилган вазирлик ва идора вакиллари иштирокида ижобий ҳал этилишига эришилди. Қолган, узоқ муддат талаб этиладиган масалалар бўйича йўл харитаси ижро органлари томонидан ишлаб чиқилди ва ижроси назоратга олинди.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ташкил этилган “7 октябрь - Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни”га бағишлаб Халқаро меҳнат ташкилоти (Женева), Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси (Брюссель), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган “Ковиддан олдинги бандликни тиклаш” мавзусидаги он-лайн семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги тармоқ касаба уюшма вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб Республика Кенгаши томонидан 30 та янги иш ўрни яратиш мақсадида Наманган вилояти, Норин туманида жойлашган „KAMOLDINOVNA“ МЧЖ билан қарз шартномаси тузилди. Республика Кенгашининг иқтисод қилинган маблағлари, тадбиркор маблағлари хисобидан ўқув маркази қурилиб, 30 та иш ўринлари яратилди. Тизимни такомиллаштириш, тармоқ касаба уюшмаси ҳудудий кенгашларини қайта тиклаш ҳамда тармоқ касаба уюшмаси меҳнат инспекциясини ташкил қилиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида Республика Кенгаши томонидан жами 59 та, хаммаси бўлиб 89 та янги иш ўринлари яратилди.

“Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг аҳволини мунтазам ўрганиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш, бандлигига кўмаклашишга сиз вазифалар ижросини тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий

қўллаб қувватлаш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган топшириқ ва вазифаларни самарали ва сифатли ижросини таъминлаш мақсадида Республика Кенгаши раиси раҳбарлигида ташкил этилган ишчи гуруҳ ўрганишнинг иккинчи босқичида Наманган вилоятида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий аҳволи оғир, ишсиз аёлларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича масъул идора ва раҳбарларнинг натижага йўналтирилган фаолиятини мувофиқлаштириб, Наманган вилояти бўйича “Аёллар дафтари”га киритилган 35 минг 275 нафар аёллардан 34 минг 911 нафарининг (99%) муаммолари ўрганилиб, ҳал этилди.

Ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий билим ва малакаларини ошириб боришни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида самарали меҳнати билан қатор ютуқларга эришиб келаётганларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг мавқеини ошириш, ўз касбининг моҳир эгалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси ўртасида имзоланган қўшма қарор асосида анъанавий тарзда ўтказилган “Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими” кўрик-танлови 13 та номинация бўйича бўлиб ўтди. Танловнинг қорхона ва муассасаларда, туман (шаҳар)ларда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида ва финал босқичи “12 май -Халқаро ҳамширалар куни” байрами арафасида ZOOM платформаси орқали ўтказилди. Тадбир иштирокчиларни Марказий студиядан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ф.Ханапиев, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Э. Баситхоновалар қизғин табрикладилар. Мазкур тантанали тадбирда жами 39 нафар иштирокчилар эътироф этилди. Республика Кенгаши томонидан 1-,2-,3-ўрин ғолибларини тақдирлаш учун тайёрланган плакетка ва қимматбаҳо совғалар ҳудудий тармоқ кенгашларига етказилди ва тантанали тадбирда ҳудудий студияларда иштирок этган Танлов комиссияси томонидан ғолиб деб топилган 39 нафар номинатлар плакеткалар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шифокорларнинг касбий билим ва малакаларини ошириб боришни қўллаб-қувватлаш, меҳнатда ютуқларга эришиб келаётганларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, улар фаолиятини оммалаштириш, ўз касбининг моҳир эгалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг қўшма қарорлари имзоланди. Мазкур қўшма қарор билан тасдиқланган Низом асосида танлов 39 та мутахассисликлар бўйича амалга оширилди. Танловнинг финал босқичида 117 нафар ғолиб номинатлар Республика Кенгаши томонидан тайёрланган статуетка, плакеткалар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Касаба уюшмалари тизимида туризмни ривожлантиришга қаратилган “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига киритиш орқали ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг

10758 нафар, шундан 5700 нафари ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадамжоларга, 5858 нафарини тарихий шаҳарларга, саёҳатларини ташкил этилди.

Тармоқ ходимлари айниқса ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари, уларни маънавий озуқа олишлари, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида концерт, театр, музей, кино ва кўргазма залларига ташрифлар уюштирилди. “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида тармоқ жамоаларида ходимларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик мақсадларига хизмат қилишини тарғиб этишга қаратилган “Маърифат соатлари”, давра суҳбатлари ва махсус маърузалар ташкил қилинди. Тармоқда фаолият юритаётган турли миллат вакилларининг миллий дастурлари бўйича ўзаро ҳурмат ва бирдамликни мустаҳкамлашга қаратилган “Тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик – бебаҳо неъмат” мавзусида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келинди. Тармоқ ходимлар ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича “Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кубоги” республика мусобақасида 15 нафар аппарат ходимлари иштирок этдилар.

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширилган ишлар Республика оммавий ахборот воситаларида 5 маротаба, маҳаллий ОАВда 18 маротаба, тармоқ сайтида ва ижтимоий тармоқларда 21 маротаба ёритилди. Мазкур семинарлар 48 маротаба интернет тармоғида ёритилган ҳамда 3 маротаба рўзномаларда мақолалар берилган.

2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича манзилли тадбирлар режаси ижроси учун иш берувчилар маблағлари ҳисобидан - 2 млрд. 969 млн. 540 минг сўм, қасаба уюшмаси маблағларидан - 3 млрд. 356 млн. 990 минг сўм, Республика Кенгаши маблағлари ҳисобидан - 2 млрд. 192 млн. 406 минг сўм, жами - 8 млрд. 507 млн. 540 минг сўм

“2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича 4 та бўлим, 14 та банд, 29 та тадбирдан иборат манзилли тадбирлар режаси” ижроси юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиётдаги ислохотлар - инсон қадри учун” мавзусидаги тарихий очик мулоқотида марказий студиядан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси, ҳудудий студияларда тармоқ қасаба уюшмасининг ҳудудий Кенгашлари раислари иштирок этди. Мазкур учрашувда тиббиёт ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларига оид бир қатор таклифлар, шунингдек ўз ечимини топмай турган масала тиббиёт ходимларини тиббий кўрик масаласи (Call 1092 марказга ушбу масалада ҳам 720 та мурожаат келиб тушган) юзасидан қасаба уюшмалари томонидан берилган таклифлар инобатга олиниб, 2022 йил 1 майдан бошлаб барча тиббиёт ходимлари учун дастлабки ва даврий касбий тиббий кўрик бепул ўтказилиши, қон билан бевосита

ишлаётган тиббиёт ходимлари гепатит “В” касаллигига қарши бепул эмланиши, бундан буён тиббиёт ходимлари учун мазкур харажатлар тўлиқ бюджетдан қопланиши ва бунга ҳар йили камида 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Мазкур топшириқ ижроси тармоқ касаба уюшма томонидан жамоатчилик назоратига олинди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 7 октябрь – “Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни”га бағишланган “Адолатли иш ҳақи учун” шиори остида ташкил этилган тадбирда Республика Кенгаши, тармоқ ва пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича ўтказилаётган Республика Миллий мониторинги ишчи гуруҳлари вакили О.Адиловлар иштирок этдилар.

Жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига киритиш орқали 28.992 нафар, шундан 7.964 нафари ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадамжоларга, 21.028 нафарини тарихий шаҳарларга, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг саёҳатларини ташкил этилди.

Ёш авлодда Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳисларини шакллантириш мақсадида “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни”га бағишлаб 5.666 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари учун музейлар, театр ва маданият-истироҳат боғларига бепул ташрифларини ташкил этилди.

1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган акция доирасида соҳада самарали меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонган, ўтган 5 йил давомида вафот этган 597 нафар соҳа ходимларининг ҳар бири учун алоҳида Ёднома, тизимда меҳнат қилиб, ҳозирда нафақада бўлган 749 нафар фахрийларни кўп йиллик самарали, беминнат меҳнатларини қадрлаш, эътироф этиш мақсадида ҳар бири учун алоҳида Қадрнома, кўп йиллар мобайнида соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келаётган 269 нафар касаба уюшмаси фаолларини хизматларини эътироф этиб, ҳар бири учун алоҳида Қадрнома тайёрланди. Мамлакатимиз бўйлаб 1619 хонадонларга Республика ва ҳудудий касаба уюшма кенгаши раислари ҳамда фаоллари ташриф буюриб уларни ҳолидан хабар олдилар.

Спорт тадбирларида жами 183.199 нафар тиббиёт ходимлари иштирок этишди. “11 ноябр Ўзбекистон касаба уюшмалари куни” байрами муносабати билан 12 ноябр куни ўтказилган югуриш марафонида Республика бўйича 786 та ташкилотдан 266.998 нафар ходим иштирок этди. 2022 йил давомида ўтказилган спорт тадбирларида 450.167 нафар (шундан 319207 нафари аёллар) тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

Республика Кенгаши раиси бошчилигида ишчи гуруҳ Наманган вилояти бўйича 52.571 нафар, ҳудудларга бириктирилган масъуллар томонидан 55.229 нафар, жами Республика бўйича 107.800 нафар “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд

хотин-қизларнинг муаммолари ҳал этилди.

“Инсон қадрини улуғлаш” деган эзгу ғоя асосида Республика бўйича 10.671 нафар ходим концерт, театр, музей ва кўрғазма залларига ташриф буюрдилар.

Тармоқда хизмат қилаётган 110 нафар касабани уюшмаси фаолларига касабани уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланма ажратилди.

“Жаҳолатга қарши маърифат” деган ғоя асосида аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик мақсадларига хизмат қилишини тарғиб этишга қаратилган “Маърифат соатлари”, даврани суҳбатлари ва махсус маърузалар ташкил этилди. “Маънавият соат”ларида 860 минг нафардан ортиқ ходимлар иштирок этдилар.

2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да тармоқ бўйича амалга оширилган ишлар Республика оммавий ахборот воситаларида 82 мартаба, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 144 мартаба, тармоқ сайтида ва ижтимоий тармоқларда 736 мартаба ёритилди

2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича манзилли тадбирлар режаси ижросини таъминлаш юзасидан иш берувчи маблағларидан - 1 млрд. 716 млн. 031 минг 828 сўм, касабани уюшма маблағларидан - 7 млрд. 817 млн. 388 минг сўм, Республика Кенгаши маблағларидан - 955 млн. 132 минг 644 сўм, жами - 10 млрд. 488 млн. 552 минг 472 сўм маблағлар сарфланишига эришилди.

“2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича 6 та бўлим, 15 та банд, 13 та тадбирдан иборат манзилли тадбирлар режаси” ижроси юзасидан:

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига киритиш орқали 30 минг 886 нафар, шундан 15018 нафари ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадамжоларга, 15 минг 868 нафарини тарихий шаҳарларга, ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг саёҳатларини ташкил этилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси Республика Кенгаши ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрадиган хамшира ва ўрта тиббиёт ходимлари учун пойтахтимизнинг тарихий ва диққатга сазовор масканларига, театр ва томошагоҳларига ташрифи ташкил қилинди. 12 май куни “Киночилар уйи”да Республика ҳудудлардан ташриф буюрган 1800 нафар соҳа фаоллари иштирокида эл-юрт орасида ҳурмат қозонган, чинакам матонат ва жасорат соҳиби бўлган хамшираларнинг касбий билим ва малакаларини ошириб боришни қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, фаслиятини оммалаштириш, моҳир ўрта тиббиёт ходимлари орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида ҳар йили

Ўтказиладиган “Хамшира” анъанавий кўрик-танлови ҳамда “Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими” танловларининг Республика даражасидаги тўртинчи финал босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ташкил қилинди. Маросим давомида барча иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси “Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирландилар. Ҳар иккала танловнинг 60 нафар ғолиблари Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан тайёрланган кўрик-танлов номи туширилган статуетка, танлов ўтказилган йил, иштирокчи исм-фамилияси, эгаллаган ўрни кўрсатилган махсус диплом, рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирландилар.

Республика Кенгаши томонидан 12 май -“Халқаро ҳамширалар куни” байрами муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳридаги республика муассасалари ва вилоятлардан 5 нафардан жами 70 нафар ўз касбининг моҳир устаси, фидоий ҳамширалар Республика Кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. 12 май -Халқаро ҳамширалар куни Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларида жойлашган катта экранларида байрам табригини ўз ичига олган видео ролик айлантирилди, баннер тайёрланди.

“7 апрель - Бутунжахон саломатлик куни” муносабати билан тармоқ тизимидаги олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ишлаётган ёшлар иштирокида югуриш марафонини ўтказилди Марафонда 45 мингдан зиёд ёшлар иштирок этдилар. Ғолиб ва қатнашчилар касаба уюшма ташкилотларининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишида тармоқ тасарруфидаги бошланғич ташкилотларда турли спорт мусобақалари, “Соғлиқни сақлаш вазири кубоги 2023” спартакиада мусобақаларининг ташкилот, туман, вилоят ва Республика босқичларида жами 244 минг 265 нафардан зиёд тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз карияларни ўқлаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳар йили Республика Кенгаши ташаббаси билан ўтказиладиган 9 май - “Хотира ва қадрлаш куни” умумхалқ байрами акцияси доирасида соҳада самарали меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонган, олдинги 5 йил давомида вафот этган (2021-2022 йилларда Ёднома берилмаган) ходимларни хотирлаш учун алоҳида 710 та Ёднома, тизимда меҳнат қилиб, ҳозирда нафақада бўлган фахрийларни кўп йиллик самарали, беминнат меҳнатларини қадрлаш, эътироф этиш мақсадида алоҳида 2042 та Қадрнома, кўп йиллар мобайнида соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келаётган касаба уюшмаси фаолларини хизматларини эътироф этиб, алоҳида 103 та Қадрнома тайёрланиб тарқатилди.

Бутун Республика бўйича байрам арафасида ўтказилган акция давомида ҳудудий кенгаш вакиллари, барча даражадаги бошланғич ташкилотлар, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалри раҳбарлари, ҳамда вакиллари билан биргаликда 3000 нафардан ортиқ хонаданларга ташрифлар ташкил этилди. Акция 11 май куни 1700 нафардан ортиқ тиббиёт вакиллари “Ғалаба боғи”да барпо этилган қахрамон она

Зулфия Зокирова хайкали пойига ўз эҳтиромларини билдириб гулдасталар қўйиш билан якунланди.

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш тизимини янада такомиллаштиришда иштирок этиш” банди юзасидан Республика Кенгашининг ишчи гуруҳ 2023 йил январ- август ойларида Андижон вилоятида 691.099 нафар, 2023 йилнинг август ойдан бошлаб Самарқанд вилоятида 102.787 нафар ижтимоий-иқтисодий ҳимояга мухтож аёлларнинг индивидуал анкеталари асосида уларни тоифалари аниқланиб муаммоларини ҳал этишга эришилди.

“Инсон қадри учун” деган эзгу ғоя асосида оммавий-маданий ва концерт томоша тадбирларига, цирк, музей ва театрларга 163116 нафар ходимларнинг ташрифи ташкил этилди

“Жаҳолатга қарши маърифат” деган ғоя асосида аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик мақсадларига хизмат қилишини тарғиб этишга қаратилган “Маърифат соатлари”, давра суҳбатлари ва махсус маърузаларда 21 минг нафардан ортиқ ходимлар иштирок этдилар.

2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да тармоқ бўйича амалга оширилган ишлар Республика оммавий ахборот воситаларида 15 маротаба, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 77 маротаба, тармоқ сайтида ва ижтимоий тармоқларда 736 маротаба ёритилди

2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича манзилли тадбирлар режаси ижроси учун иш берувчи маблағларидан - 2 млрд.930 млн. 500 минг сўм, касаба уюшма маблағларидан - 8 млрд. 154 млн. 687 минг 789 сўм, Республика Кенгаши маблағлари ҳисобидан - 697 млн. 312 минг 310 сўм, жами - 11 млрд. 782 млн. 500 минг сўм маблағ сарфланди.

2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича 4 та бўлим, 9 та банд, 30 та тадбирдан иборат манзилли тадбирлар режаси ижроси юзасидан:

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш банди ижроси юзасидан вилоят, туманларда “Аёллар дафтари”ни 5-босқичи ҳамда хорижий мигрантликда юрган, юртимизга қайитган фуқороларга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан берилган вазифалар ижроси бўйича жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида Республика Кенгаши раиси, раис ўринбосарлари, ҳудудий кенгаш раислари, марказий ва ҳудудий аппарат ходимлари жами 30 нафар ходим жалб этилди.

1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни

амалга ошириш мақсадида Республика Кенгаши ташаббаси билан ҳар йили ўтказиладиган 9 май - "Хотира ва кадрлаш куни" умумхалқ байрами акцияси доирасида соҳада самарали меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонган, олдинги 5 йил давомида вафот этган ходимларни хотирлаш учун алоҳида 885 та Ёднома, тизимда меҳнат қилиб, ҳозирда нафақада бўлган фахрийларни кўп йиллик самарали, беминнат меҳнатларини кадрлаш, эътироф этиш мақсадида алоҳида 2 минг 635 та Қадрнома, кўп йиллар мобайнида соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келаётган касаба уюшмаси фаолларини хизматларини эътироф этиб, алоҳида 307 та Қадрнома тайёрланди.

Акция давомида ҳудудий кенгаш вакиллари, барча даражадаги бошланғич ташкилотлар, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари, ҳамда вакиллари билан биргаликда 3минг 827 нафардан ортиқ хонаданларга ташрифлар ташкил этилди. Акция 11-12 май кунлари 1минг 800 нафардан ортиқ тиббиёт ходимларининг "Ғалаба боғи"да барпо этилган қаҳрамон она Зулфия Зокирова хайкали пойига ўз эътиромларини билдириб гулдасталар қўйиш билан якунланди.

Тармоқ тизимидаги ташкилотлардаги ёш ходимларнинг ташаббус ва қизиқишларини яқиндан ўрганиш ҳамда ёш ходимларнинг раҳбарият билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ҳамда Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси (ЕФПОО) Ёшлар қаноти билан келишилган ҳолда ҳамкорликда ёшлар кенгаши ўртасида ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси ёшлар кенгаши ҳамраиси Алина Танкелюни Ўзбекистонга ташрифи доирасида "Раҳбар ва ёш ходимлар" ҳамда "Раҳбар ва ёшлар" учрашувлари минтақавий тарзда ўтказилди. 15 апрель куни Бухоро шаҳрида - Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятлари ёшлари учун, 17 апрель куни Самарқанд шаҳрида - Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё, Жиззах ва Сирдарё вилояти ёшлари учун, 19 апрель куни Тошкент шаҳрида - Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари тармоқ касаба уюшмаларининг минг нафардан ортиқ бошланғич ташкилотларининг ёшлар билан ишлаш комиссиялари ҳамда ҳудудий кенгаш қошидаги ёшлар биланишлаш комиссияларидан иборат вакиллар учун учрашувлар ташкил этилди. Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерацияси ёшлар кенгаши ҳамраиси Алина Танкелюн томонидан ташкил этилган тренингларда талабалар ҳамда ёш тиббиёт ходимлари фаоллик кўрсатишди.

Мазкур тадбир доирасида барча иштирокчилар учун "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасида республикамиздаги тарихий Бухоро, Самарқанд шаҳарларига, пойтахтимиздаи янги барпо этилган бунёдкорлик мажмуаларига ташкил этилган саёҳатларда 5 минг 800 нафарга яқин ёш тиббиёт ходимлари ва талабалари иштирок этдилар. Учрашув жараёнида меҳнат муносабатларига оид турли викториналар ўтказилиб, иқтидорли фаол ёшлар ташкилотчиларни рағбатлантирилди.

13 май куни “Киночилар уйи”да ҳудудлардан ташриф буюрган 1800 нафар тиббиёт ходимлари иштирокида “Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими” танловларининг 1-,2-,3- ўрин ғолиблари жами 45 нафар ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ҳамда “Хамшира 2024” анъанавий кўрик-танловининг 1-, 2-, 3- ўрин ғолиблари жами 42 нафар ҳамширалар иштирокида танловларнинг Республика босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан тайёрланган кўрик-танлов номи туширилган статуетка, танлов ўтказилган йил, иштирокчи исм-фамилияси, эгаллаган ўрни кўрсатилган махсус диплом, рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирландилар.

“Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни”га бағишлаб тармоқда хизмат қилаётган эҳтиёжманд оилалар фарзандлари учун музейлар, театр, маданият истироҳат боғларига бепул ташрифларини ташкил этилди, ихтисослашган болалар тиббий марказларида даволанаётган болалар ҳолидан хабар олинди. Тадбирда 9 минг 758 нафар тиббиёт ходимларининг болалари қамраб олинди.

Тармоқ ходимларининг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари, уларни маънавий озуқа олишлари, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида жами 17 минг 576 нафар ходимнинг Республикаemizдаги концерт, театр, музей ва кўргазма залларига ташрифлари уюштирилди.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида йил давомида 29 минг 587 ходим ва улрнинг оиа аъзоари, шундан 11 минг 094 нафари ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадамжоларга, 18 минг 493 нафари мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларга, саёҳатлари уюштирилди.

2024 йил тармоқ бўйича биринчи марта Халқаро туризм доирасида 11 ноябр “Касаба уюшмалари куни” ҳамда “Тиббиёт ходимлари куни” касб байрамлари муносабати билан 772 нафар касаба уюшма фаоллари учун кўшни Қозоғистон Республикасининг Туркистон шаҳрида жойлашган Аҳмад Яссавий мажмуасига зиёрат туризми ташкил этилди.

2024 йил давомида “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да тармоқ бўйича амалга оширилган ишлар Республика оммавий ахборот воситаларида 469 маротаба, маҳаллий ОАВда 391 маротаба, тармоқ сайтида ва ижтимоий тармоқларда 1707 маротаба ёритилди.

2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да ижросини таъминлашга кўмаклашиш бўйича манзилли тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида иш берувчи маблағларидан - 3 млрд. 2 млн. 468 минг 855 сўм, касаба уюшма маблағларидан - 9 млрд. 117 млн. 570 минг 152 сўм, Республика Кенгаши маблағлари хисобидан – 1 млрд. 370 млн. 543 минг сўм маблағ сарфланди ва жами сарфланган маблағлар -13 млрд. 550 млн. 582 минг сўмни ташкил этди.